

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЮҚОРИ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

География кафедраси

**Табиатшунослик ва география факультети,
география ихтисослиги 4-б курс талабаси Юлдашев
Адхамнинг**

БИТИРУВ МУТАХАССИСЛИК ИШИ

**МАВЗУ: П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг география илмидаги
ўрни**

Химояга юборилди

«__» _____ 2012 й.

Илмий раҳбар
_____ **проф.Баллиева.Р**

Кафедра мудири:

доц.Г.Ходжаева

Нукус- 2012 й.

Кириш	3
I.Боб. П.П.Семенов Тянь-Шанский , буюк даражали инсон ва олим.....	5
I.1. П.П.Семенов Тянь-Шанский буюк даражали инсон.....	5
I.2. I.П. П.П.Семенов-Тянь-Шанский географ олим.....	10
II.Боб. П.П.Семенов-Тянь-Шанский географияда тарийхий география ва этногеография йуналишининг ревожланишидаги роли.....	19
II. 1.П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география илмнинг.....	
йуналишининг шаклланишида К.Риттер ва А.Гумбольднинг таъсири....	19
II.2. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география асарларида	
худидни ўрганишни даврларга бўлиш принциплари	22
III.Боб. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география буйича илмий ишлари.....	28
III.1. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг «Русс география жамиятининг ярим асрлик хизмати» асарининг аҳамияти.....	28
III.2. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг «Русс география жамиятининг ярим асрлик хизмати» асарида буюк географ Н.П.Прежевальскийнинг меҳнатларининг аҳамияти ҳақида.....	33
III.3. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг «Русс география жамиятининг ярим асрлик хизмати» асарида рус географ олимларнинг фаолияти.....	37
Яқунлаш	45
Навоҳт фаолияти хавфсизлиги.....	49
Адабиётлар.....	55

Кириш

П.П.Семенов-Тянь-Шанский (1827-1914) буюк географ сифатида дунёга маълум. Унинг барча хизматлари ҳозирги замон географияси билан чамбарчас боғлиқ. Унинг кўпчилик ишлари тарихий география соҳасига оид бўлиб Россияда география илмининг ревожланишининг даврлари ва унинг анализи, географларнинг илмий-қидирув ишларига боҳа бериш бўлиб хисобланади.

Асосан унинг тарихий география буйича баҳоли изланишларнинг классик уч томли «История полувековой деятельности имп. Русского Географического общества» (Рус география жамиятининг ярим асрлик) асари бўлиб хисобланади.

Унинг қизиқувчанлигинининг кўп қиралигини Александр Гумбольдт билан таққосласак бўлади. Бу икки инсоннинг география илмига қўшган меҳнатларининг ўрни булак. Географларнинг уч типи бўлади. Саёхатчи, эл танув бўйича мутахасис ва ташкиллаштирувчи.

П.П.Семенов шу учинчи типга кирувчи олимлардан. Унинг географияга қизиқувчанлиги ёшлигидан бошланди. Унинг 14 ёшга тўлган вақтида немец тарбиячиси Креймеге беради. Крейме натуралист эди, у болада табиатга деган қизиқувчанлигини янада орттирди.

1845 йили Петербург университетига ўқишга топширади. Бу ерда география ўқитилмайдиган эди, лекин 1853-54 Петр Петрович Берлин Университетида географиядан маъруза тинглади.

Лекциядаги ҳар хил географик илмий-қидирувлар география фанига қизиқувчилигини янада кучайиттирди. Асосан унда Марказий Осиё бўйича тинглаган маърузаларда Тянь-Шань тоғ тизмаси диққатини ўзига қаратиб саёхат қилиш арзулари уянди. Пухта тузилган режа бўйича Ўрта Осиёга Тянь-Шань тоғ системасига саёхатини бошлади.

Бу саёхатида тарихий-этнографик асосидаги П.П.Семенов географ еди. У узининг меҳнатларида, ўқиган маърузаларда инсоннинг ревожланишини табиий муҳит билан боғлаништирди.

Экспедиция вақтида фақатгина жойнинг табиий халотларини ўрганилиб қолмастан, шу ернинг халқини, уларнинг табиатдан фойдаланишини, дастурларини, маданиятини ўрганиб тарихий география ва этногеографиянинг ревожланишига йул солди.

Бакалбр ишимда П.П.Семенов-Тян-Шанскийнинг мазмунли ҳаётига, географиядаги учмас излари, унинг ташкиллаштирувчилик қобилияти ва уз асарларида, комплекслилик ёндашув.

География жамятининг ярим асрлик фаолиятига боғишланган уч томли классик асари «История полувековой деятельности имп. Русского Географического общества»(Рус география жамятининг ярим асрлик фаолияти) Тян-Шанский томанидан таклили кўрилиб чиқилди. Бакалбр ишим кириш, 3 боб, 6 параграфтан, яқунлашдан ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.Боб. П.П.Семенов Тянь-Шанский буюк даражали инсон ва олим

I.1. П.П.Семенов Тянь-Шанский буюк даражали инсон

П.П. Семенов Тянь-Шанский буюк рус географ, статист, жамиятлик арбоб, 2 (14) январ 1827 йили Рязан губерниясининг Урусово кишлоғида дунёга келди. (хозирги Чаплыгин р-н Липецк обл.). Семеновлар дворянлар ойласидан бўлиб, уларнинг фамилияси русс дворянлар китобининг VI-бўлимига киритилган, унинг илдизи XIV асрга бориб тақалади. Боболари Каркадын Ордасидан чиққан, улардан икки катта князь ойласи Каркадынлар ва Семенов боярлар ойласи бўлиниб чиқади.

Семеновлар булса учтага : Рязань, Тверь ва Саратов дворянлари бўлиб булинади. Петра Петрович Семеновнинг оталари Рязань урпоқларига киради. Унинг бобоси Николай Петрович, Шляхет кадет корпусини тугатиб, офицер бўлиб 20 йил давомида харбий хизматда ишлайди ва Суворов кушнилари билан 37 та жангда қатнашади.

Николай Петрович биринчи рус шойраси Анна Петровна Бунинанинг опасига Марии Петровна Бунинага ўйланади. Бунинанинг отаси қизига 1000 десятин мойданга эга катта ерини ва 100 та крестьянини совға қилади.

1790 йили дворян ховлиси Ранов кичкина дарёси бўйига қўрилади. Бу ерга крестьянларида кўчириб олиб келинади ва бу катта имение Рязанка деб номланади.

Николая Петрович ва Марии Петровнанинг 5 ўғли булади: Пётр, Александр, Николай, Михаил и Василий. Буларнинг хаммаси аскарый хизматкорлар бўлиб ишлайди.

Пётр Петрович Семеновнинг отаси – Пётр Николаевич 1791 тўғилиб, аскарый хизматда капитан бўлиб, бир қанча жангларда қатнашади шуларнинг бири Бородино жанги.

Пётр Николаевич таниқли Москва архитектори Пётр Бланкнинг қизи Александрга ўйланади. Буннан мамнун бўлган атаси ер-мулкини Пётрга қолдиради.

Ер-мулкининг янги эгаси янада ревожландиришга кўп ишлар қилади. Крестьянларга янги ўйлар кўриб бериб, яшанглар, кўпайинглар, менга ва ватанимизга фойда олиб келинглари дейди.

Семеновлар ойласида ота ва онасидан бошқа 4 фарзанд, боба ва еккита бубиси яшайди. Бу ойлада катта библиотека бўлиб ҳар хил газета ва журналлар, китоблар кўп эди. Бу ўй шу ернинг маданий маркази ҳисобланди.

Унинг 4,5 ёшда отаси дунёдан утади, онаси бу фожияни кўтара олмай касасаликка йулиқади. У 15 ёшгача қишлоқда атоларидан қолган ер-мулкларини олиб боради. Шу билан бирга мустахил равишда оила библиотекасидан ўқиб билимини орттириб борди.

Унинг Географияга қизиқиши географик лото ўйинидан бошланди. Шу билан болалиқдан ўсимликларга қизиқиб ўй оранжериясини ишлаб ўсимликларни систематикасини ишлаб чиқаради.

Онаси касалликдан яхши бўлганидан сўнг Петербурга кўчиб утади, бу ерда у гвардия прапорщиклар ва кавалерия юнкерлар мактабига ўқишга бирданига 3 синф имтихонларин топшириб киради.

Мактабни яхши тўғатиб Санкт-Петербург университети, физико-математика факультетинг табиий фанлар бўлимига ўқишга киради ва еркин ўқиш турига ўтади. У 21 ёшида университетни тугатиб умрини илмга боғишлайди.

Русс Император география жамияти кандидатлик даражасини олиш учун имтихонни топшириб жамиятга аъзо бўлади ва ҳар дойим жамият ишларига актив қатнашади. Русс география жамияти немец географии Карл Риттернинг «Землеведение Азии» ишини русс тилига таржима қилишни топширади. Бу ишни юқори даражада бажаради.

Ёшлигидан табиатга қизиқиши кучли бўлиб у 13 ёшида, узининг кундалигида «Табиатни фақат томаша қилмай уни ўрганиш керак» деп ёзади.

Университетни тугатгандан сўнг 1849 йили майда уртоғи Данилевский билан бирга экспедицияга чиқади. Улар Рязан ва Тула

губернияларини урганади Кейинчалик Петр Петрович бир узи Тамбов ва Воронеж губернияларида экспедиция ишларини олиб боради.

Йиғилган материалларни систематикага солиб Петр Петрович узининг биринчи «Придонская флора в ее отношениях к растительности Европейской России». илмий ишини ёзади. Бу меҳнати учун у 1851 йили ботаника бўйича магистр даражасини олади.

Ёш бўлишига қорамай РГЖ ҳақиқий аъзоси бўлди ва ўз олдида Россия империясини ва унга қўшни мамлакатларнинг ерларини ҳар томанлома ўрганадан деп олди махсад қилиб қуйди.

У 23 ёшида Вера Чулковани учратади ва севив қолади ва унга ўйланади. Лекин бу бахт узокга чузилмади упка касалигидан вафот этади. Бундан сунг Петр Петровичнинг узи каттиқ касалга йуликади. Дуси Марголуc ёрдамида доваланиб чиқади.

Ойласидаги бошига тушган бахтсизлик ва касалдан сунг, буларни умутиш учун Европага кетади, бу ерда у шахарларни томаша қилади.

Германия ва Франция буйлаб юриб кишлокларга боради ва у ерда крестянлар билан суҳбат олиб бориб русс крестянларининг турмуши билан таққослайди.

Франциянинг Россияга қиладиган уриши ҳақидаги хабар етгандан сўнг, у Россияга қайтади.

1853 йили П.П.Семенов Берлин университетида ўқишга киради, бу университетда география ва геология бўйича маърузалар тангланиб ўқитилатган экан.

Бу ерда у Карл Риттер билан танишади. Унинг маърузасига студентлар кўплаб йиғилар эди. Риттер систематик, аналетик фикрга, такрорланмайдиган кучга эга кабинет олими эди. Риттер П.П.Семеновнинг чуқир билимини ва аниқ фикрлашини англади.

П.П.Семенов Берлинда Александр Гумбольдт билан танишади ва Осиё ичкарасига бориш фикрлари билан ўртоқлашади.

А.Гумбольд П.П.Семеновдан Тянь-Шань тоғининг вулкан натижасида фойда бўлишини далил қилувчи фактларни топип келишни илтимос қилади.

1854 йил қишда П.П.Семенов белгиланган курс маърузаларни тинглаб Тянь-Шаньга саёхат режаларини тузиб бошлайди.

Шу йили Италияга бориб Везувия вулканининг отилишини ва ҳаётини ҳафвга қўйиб лаванинг утли оғимиға ёқин бориб кўзатади. Петр Петрович Альп тоғига кўзатувчисиз бир ўзи чиқади. Олим геологик ва ботаник коллекциялар йиғади ва Петербурга қайтиб келади.

География жамиятининг вице-председатели Михаил Николаевич Муравьевни Тянь-Шаньга экспедициянинг зарурлигини тўшинтиради.

Петр Петровичнинг узига келадиган бўлсак, юраги жуда тоза узига меҳр билан ҳаммани тортадиган инсон эди. Унинг уткир ақли, атропидаги инсонларга чин қалбдан оқ кунглиги билан қатнаши, итибори, унинг меҳрибонлиги, кайнаб турган жигари, илмга деган содиқлиги, юқори даражадаги мораллик хусусиётлари Петр Петрович Семеновни ҳақийқий жабовгарчил инсон эканлигини кўрсатади.

Унинг инсонийлигидаги баҳоланадиган яхши хусусиёт-бу одамларга бўлган мухаббат ва ҳурмат, унинг одамгарчилигин тулиқ сезув ва камчилигини кечириб билиш, жабирланувчига ёрдам бериш ва унинг оғирманлигини кўтариб билиш деган эди. «Хар бир интеллигент одам, турмуш ташвишларини сўриб қуйиб, одамзатнинг фойдаси, илм ёки ёқинлари учун жонини аямай фидакорлик билан меҳнат қиладиган инсон П.П.Семеновнинг идеали эди.

П.П.Семенов бу идеални насихат етти, буни ҳаётга энг ёйдирди. У умр бўйи дунё масштабда Россия учун хизмат қилди.

П.П.Семеновнинг яна бир узгача хусусиятларидан унинг ташкилотчилиги. География жамияти ва П.П.Семенов тучинчаси бир тушинча яъни булар синонимлар.

География жамиятин П.П.Семеновсиз кўз олдимишга келтира олмаймиз деган эди Л.С.Берг. Сабаби у география жамиятида 50 йил ишлаб унинг босчилик этган даврида география жамиятинг баланд абройга эришган эди.

Пржевальский, Певцов, Роборовский, Потанин, Грум-Гримаило, Мушкетов, Комаров ва.х. бошқарган бир қанча экспедициялар ташкил қилинди.

XIX асрнинг оқирида география жамиятини бошқарган географиянинг ёркин инсонлари Вице-председатель П.П.Семенов, вице-председатель уринбосари А.А.Тилло, табиий география бўлимининг бошлиғи И.В.Мушкетов, метеорология комиссия бошлиғи А.И.Воейков, жамият секретари А.В.Григорьевлар бўлди.

Бундай юқори даражаги географ олимларимизни бир ерга тўплаб кучли географларнинг командасини дузиб Россия географиясининг дунёда абройининг ўсишига П.П.Семеновнинг одамгарчилигининг юқорилиги, камтаринлиги, инсонга деган катта итиборлиги, меҳнаткашлилиги, ташкиллаштирувчилиги сабаб бўлди.

П.П.Семенов бошқарган география жамияти Россиянинг табиатини, хўжалигини халқини чуқир ўрганди. Шундай комплекс худидни ўрганиш улкани тўлиқ географик кўринишини беради. Бул ўрганиш географиянинг йуналишларининг кенгайишига, тарийхий географиянинг илмий мутахасислик сифатида шаклланишига ва тарийхий-географик малуматларнинг тарқалишига асос бўлди.

Унинг катта хизматлари география илмнинг назарий ва амалий жиҳатдан бойитди ва ҳозирги кунгача узининг аҳамиятини йўқатмади.

Унинг дунё қарашлари гвардия мактабининг прапорщик даврида, кейин эса Петербург университетидида шаклланди. Боланинг бахтли тағдири унинг таниқли жамиятлик арбоблари ва олимлари билан боғлаништирилди.

У Петербургнинг фаол ёшлари билан Петрашев кружогида танишиб дўстлашди. Булар Белинский, Салтыков-Шедрин, Достоевский, Плеещев, ака-ука Майковлар, Млютенлер ва.х. эди.

Университет даврида унга таниқли таъсирини кўрсатган табиий географиядан маъруза уқийдиган Э.Х.Ленц, математик П.Ф.Чебышев, геолог Э.К.Гофман, тарийхчи К.А.Неволин маърузаларини кунт билан тингланар эди. Университетни тугатгандан сўнг у география илмига қизиқиб кетти. Унинг хар томанлома хизматлари сиёсатчи, олим, дипломат ва ташкиллаштиручи хисобида, унинг чебарлиги халигача ҳаммани тонг қолдирди.

Бўлажак олим географ ва жамиятлик арбоб П.П.Семенов ири тарийхий географ деб аташимизга бўлади. Унинг билими ва илмий таёрлиги, унинг классик меҳнатлари, тарийхий георафик изланишларида методик ёндашувлар, муштахиллиги ва ўзининг янгиллиги билан ажралиб турадиган эди.

1.2. П.П.Семенов Тянь-Шанский географ олим

Агар Петр Петровичга Семеновга сиз кимсиз-географми, геологми, статисми, рассомми, мамлакат хизматкорими деган савол берилса, у ўйланмастан географман деб жавоб берган бўлар эди деб ёзади.

Берг ўзининг «Очерки по истории русских географических открытий» номли асарида Петр Петровичга Семенов ўзининг ун ёшида Рязан губерниясига саёхат қилганида табиатнинг ажойиботлигини ёш боланинг табиатга деган қизикувчанлигини туғдирди.

У узининг саёхатида бизларнинг ўйларимизнинг атирофида шундай табиатни курдим, бундай ер еч кимга қўл етмас, такрорланмайдиган чиройлиги билан ажралиб турадиган табиат бўлиб, мен шундай ерни ҳеш ерда кўрмадим деб табиат гузаллигини тарифлаган эди.

Унинг тарбиячисининг натуралист бўлиши, табиатга деган қизиқувчанлигини янада орттириб юборди. У Петербург Университетига 1845 ўқишга киради. Бу вақтда Университетда география ўқитилмайдиган эди. 1853-54 йиллари Берлин Университетида лекция тинглаб юрганида геология ва географияга итибар берди. Бу вақтда геологиядан профессор Бейрих ва Роза, Метеорологиядан тониқли Дове, географиядан К.Риттерлерс. Гумбольднинг Урал ва Алтай бўйлаб саёхатида бирга юрди. К.Риттернинг «Землеведение Азии» географик асарларини Семенов томонидан рус тилига таржима қилинди. Петр-Петрович Риттер ҳақида «..Риттер менинг билан танишишдан, ўзининг таржимони ва комментатори ҳисобида мени яхши кўриб қолди деб ёзган эди.

К.Риттернинг маъруза давомида тушинтиришлари жуда ўзгачалиги билан ажралиб турар эди, у тарийхий-этнограф сифатидаги географ бўлиб, ўзининг маърузаларида инсонийёт жамиятининг ревожланишида шу улканинг табиатига боғлиқлиги, инсон билан табиат орасидаги боғлиқлар кенг тарифланадиган эди деб ёзади.

Берлинда П.П.Семенов бир қанча олимлар билан дўстлашади, ўлардан профессор Густав Роза, Эренберг, Дове, энг ёқин дустларидан Фернанд Рихтофен, саёхатчилардан ака-ука Адольф ва Герман Шлагинтвейтлар. Берлинда Семенов 84 ёшли А.Гумбольдт билан танишади.

У Семенов билан қизиқиб қолди ва узининг сўзида Тянь-Шань тоғидан бир қанча тоғ булакчаларини олиб келса армонсиз уламан деган эди. А.Гумбольдт Тянь-Шаньда вулкон бўлиши мумкин деб қизиққан эди.

П.П.Семенов вулканизм жараёни билан танишиш ва Тянь-Шаньга саёхатига таёрлик кўриш учун Италияга кетади ва Везувийга 17 маратова чиқади. Шундай қилиб Семенов Берлинда дунёга таниқли географлардан таълим олиб саёхатга таёрлик кўради.

Географиянинг аҳамияти ҳақидаги Риттернинг идеяси Семеновни Россияга қайтишини тезлаштирди. Россияга қайтиб экспедицияга чиқиш

учун чет эл министрилигига рухсат сурайди, лекин рад жабоб олади Сўнг Алтай ва қирғиз даласида бўламан деб рухсат олади. 1856 йили баҳорда Петербургдан чиқиб, июнда Балхаш қулига етип келади.

Сентябрда Заилий Алатовига етип келади ва чуққига чиқиб Или дарёсининг бассейн котловинасини кўради. Чуққидан жанубий-шарқга Чилик водийсига тушиб Кюнгей-Ала-Тоо, Тюп и Джергалап дарё водийсидан кулга тушади. Иссик-Кул юқаларига тушиб ютқизиклардан намуналар олади.

1856/57 қиш ойида у Барнаулда тўхтаб экспедиция хисобатини ёзади. Заилийского Алатоғини бешда табиат зонасига бўлади. 70 дан ортиқ ўсимликлар турларини йиғади, шуларнинг ичада 4 тури илмда номаълум эди.

У фақат табиат зоналарини ва ўсимликларни тарифлаб ёзмасдан, ўсимликлар органик дунёнинг бир қисми деб хисоблаб у иқлим, геология, гидрография билан боғлиқлигини исботлади.


1857 йили ёзда П.П.Семенов катта отряд билан экспедицияга йул олади.

Хан-Тенгри чуққисига чиқади ва қайтишда катта музлик майдонини кўради, бу ердан Тарим дарёсининг ирмоғи Сари-жаз бошланади. У биринчи маратоба биологлар томанидан йуқ бўлиб кетган деб хисобланган, йирик тоғ қучқорларни учратади. Хан-Тенгрдан йиғилган гербарий ва топилган тўрт янги тур Семеновни дунё олими қилиб танитади.

Бундан бошқа Чу дарёсининг Иссик-кулдан бошланишини бекор қилиб у Тянь-Шань тоғининг водийсидан бошланишини кузатади.



Шундай қилиб экспедиция муваффақиётли яқунланди. Унинг замондошлари унинг очкан янгиликлари билан хайрон қолишди. 23 та тоғ уткиллари текширилди, 300 яқин тоғ номуналари, 1000 яқин ўсимликлар йиғилган. Ўсимлик зонаси шундай яхши тариф берилиб ёзилгандан ботаник-географик картинаси аниқ кўринади. Бундан бошқа Гумбольднинг Тянь-Шань тоғининг вулхон натижасида келип чиқиши бўйича исбот-далиллар топилмади.



Россиянинг сиёсий ҳолатининг кескинлашуви билан учинчи экспедиция ишга ошмади.

Адмирал Литке таклифи билан Петра Петровични География жамиятининг вице-председатели қилиб тайинланади.

Узининг на вақтини, на кучини аямасдан ёш тадқиқотчиларни янги очилишларни қилиш учун уларни ўргатади қўллаб-қуватлайди.

Унинг ёрдамида буюк русс олимлари Пржевальский, Потанин, Козлов, Роборовский, Велиханов, Мушкетов, Обручевларнинг экспедициялари ташкиллаштирилди. У экспедиция маршрутларини, программаларини, таёрликларини таёрлаб берди. У кирик йилдан ортиғроқ География жамиятини бошқарди.

Кутилмаганда П.П.Семеновни крестьян реформасини таёрлашдаги редакция комиссиясининг бошлиғи қилиб тайинланади ва крестьянларни озод қилиш буйича ишларни бошчилик қилади. 1861 йили 19 февралда бу ҳужжат ишга тўшади.

1882 йилдан бошлаб П.П. Семенов сенат аъзоси. У 30 йил давомида ўмумий Россия халқини руйхатдан ўтказишни армон қилиб юрар еди, ноҳаят бу армони ўринланиб, 1897 йили биринчи маротоба Россия империясининг халқни руйхатдан ўтказиш олиб борилиб бунга П.П. Семенов босчилик қилади.

У Европа Россиясининг ихтисодий районлаштириш схемасини ёратади. 1897 йилдан бошлаб мамлакатлик кенгаш аъзоси бўлиб сайланди

У кўплаган капитал меҳнатларини яқунлаб, қобирчакқанотлилардан коллекция йиғиб энтомологларнинг фойдаланишига рухсат беради.

Узининг биринчи географик ишларида кўплаган яқунларни қилиб, таланти ёш олим географлар ичида Осиё бўйича билорманга ойланади Узинг экспедицияси билан Тянь-Шань ҳақида фундаментал географик билим ёратди ва экспедиция ишлари буйича янги географик методика ишлаб чиқди.

1943 йили Тянь-Шанда ишлаётган совет топографлари томанидан «Победа» чукқиси очилади. Бу янгилик учун СССР география жамияти, биринчи бўлиб Марказий Тянь-Шань ичкарасига кирган П.П. Семенова-Тян-Шанский номи билан аталувчи олтин медаль билан мукофотланади.

1906 йили Тянь-Шаньга биринчи саёхатнинг 50-йиллигига боғишланиб П.П. Семенов номига Тянь-Шань титулини қўшиб беришга император фармони чиқади. У узининг хаёт давомини дунёга таниқли олим хисобланиб 60 тадан ортиқ академия ва илмий ташкилотлар аъзоси ва хурматли аъзоси қилиб сайланади.

Семенов-Тян-Шанский номи билан тоғлар, чуққилар, Ўрта Осиё, Марказий Осиё, Кавказ, Аляска ва Шпицберген музликлари ва 100 га яқин янги ўсимликлар ва ҳайвонлар номланди. Монгол Олтайидаги чуққи "Пётр Петрович" номи билан номланади. Кўплаган наградалари ичида у ҳар дойм Карла Риттер медали билан фақрланар эди.

Риттернинг «Землеведения Азии» китобининг биринчи бўлимида П.П.Семенов «географияни кенг ва тор манода» тўшинади. Кенг турда географиянинг предмети ер шарини тулиқ ўрганилиши, яъни ҳаво, сув, қаттиқ қобик, ернинг бошқа планеталар билан боғликлиги.

Бўлмаса математик ва табиий география, биогеография, этногеография ва статистика. Бу манода география илм емас, бир путин илмнинг табиий группасидир.

Тар манода география одамзот кули билан яратилган, ўзгартилган, ҳар дойм ўзгариссиз, ўзгармали табиат тўшинилади.

Районлаштириш бўйича П.П.Семеновнинг хиссаси катта. 1871 «Статистическом временнике Российской империи» вестнигида Россиянинг Европа бўлимидаги халқнинг жойлашисига таъсир қилувчи Империя халқнинг жойлашишидаги белгиловчи мақоласида Семенов шу қарамликнинг сабабини табиий ва ихтисодий сабабларга боғликли деб

Россиянинг Европа бўлимига Финландия ва Кавказни қушиб олганда 14 районга бўлади.

1880 йили Петр Петрович шу мавзуга қайтиб Россиянинг Европа бўлимини районларга бўлинишини қайтадан кўриб чиқилади. Бу 12 район қуйидагича

I. Шетки шимол

VII. Қуйи Волга,

II. Кўл бўйи,

VIII. Кичик Россия,

III. Балтика бўйи

IX. Новороссия,

IV. Саанат Москва,

X. Жануб-Ғариб,

V. Марказий дехкончилик

XI. Белоруссия.

VI. Урал олди,

XII. Литва.

Финландия, Полша ва Кавказ диққатга олинбади. Бу районлаштириш П.П.Семеновнинг кўп йиллик ва унимли статистика билан шуғилланувининг самарасидир. Унинг районлаштириш бўйича неча асрлар давомида ўзининг мазмунини йуқатгани йуқ.

География жамиятидаги бир қанча хизматкорлари билан биргаликда чиқарган беш томли геогафик-статистик сўзлиги география билан статистиканинг боғлиқлигини кўрсатади.

Бу асар жуда катта меҳнатти талаб этган мазмунли асар бўлиб, бундай тўлиқ турдаги асар босмадан чиқмаган эди. П.П.Семеновнинг такрорланмас меҳнатларидан уч томли «История полувековой деятельности Русского географического общества» асари XIX асрдаги Русс географларининг изланишларининг тарийхи ҳаққидаги географлар учун кўлланма бўлиб хисобланади.

География жамиятининг бошлиғи - Семеновнинг барча геогафик фаолияти география жамияти тарийхи билан боғлиқ. Экспедициядан

кайтгандан сўнг табиий география бўлимининг ёрдамчиси 1860- йиллардан 1873 -йиллар оралигида бошқаради.

Иккита йил 1856й ва 1870й — Русс География жамиятининг йилномасининг илмий фаолиятида аниқ кўринади ва бу йилларнинг иккаласида Семенов номи билан боғлиқ. 1856 - йил Осиё ичкарасига қилинган биринчи экспедиция. 1870 йил октябрда, Н.Н. Миклухо-Маклай Янги Гвинеяга йул олди, ноябрда эса Н.М. Пржевальский Марказий Осиёга саёхатга чиқади.

24 ёшли Н.Н. Миклухо-Маклай География жамиятига Гвинеяга бориш проекти билан келганида унга жамият аъзолари ишоничмади, лекин П.П.Семенов Н.Н. Миклухо-Маклайни ва унинг проектини қувватлади.

Семенов билан Пржевальскийнинг учрашиши катта аҳамиятга эга булди. 1867 йили узининг Марказий Осиёга экспедиция режаси билан келган еч кимга намалум булган Пржевальскийни фақат Семенов, бу талантли ёш олимга ажайиб саёхатчи чиқишини англаб етти ва унга маслахат берип йул кўрсатди.

Тянь-шань экспедицияси даврида Семенов, Омскта, иккита ёш талант эгалари Г.Н. Потанин ва Ч.Ч. Валиханов билан танишади ва уларнинг қайталанмайдиган талантини, билимини тиришқоқлигини сезади ва уларга йул кўрсатади. Уларда устози Семеновга ухшаб йирик олим ва саёхатчи бўлиб етишади.

Н.М. Пржевальский экспедицияси ва унинг шакиртлари В.И. Роборовского ва П.К. Козлова, Г.Н. Потанина, М.В. Певцова, братьев Г.Е. и М.Е. Грумм-Гржимайло и В.А. Обручева саяхатлари Марказий Осиё ҳақида янги фикрларни туғдири. Картада янги тоғлар, чуққи номлари пайдо бўлди.

Семеновнинг буюк хизмати шундан иборат эди, у География жамиятининг бошлиғи бўлиб қолмай купчилик экспедицияларининг ташкиллаштирувчиси эди. Яна хизматлари шуннан иборат эди у узининг Тянь-Шаньга қилган экспедицияси сингари, географияда ҳар томанлома

комплексли тадқиқотлар олиб боришни йулга қуйиб, рус география мактабининг узига хослигини дунёга танитди.

Рус география жамиятининг бошлиғи П.П. Семенов-Тян-Шанскийди қискача қилиб географлар устози деп атайди. У географик тадқиқотларни комплекслилик тарзда олиб боришни, илмий ишда махсадга туғри интилиш, камтаринлик, географик тарифнинг образлиги, йигилган фактик материалларга суянган ҳолда яқуннинг кенглиги ва ботиллигини ўргатти. П.П. Семеновым-Тян-Шанский номи билан русс классик географияси давом етди.

П.Боб. П.П.Семенов-Тянь-Шанский географияда тарийхий география ва этногеография йуналишининг ревожланишидаги роли.

П.1.П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география илмнинг йуналишининг шаклланишида К.Риттер ва А.Гумбольднинг таъсири

П.П.Семеновнинг биринчи географик тадқиқотлари, кўплаган фактлар ва география тарийхи бўйича ходисаларини уз ичига олган адабиётлар манбайидан фойдаланган ҳолда бошланди.

Унинг «Описание Новой Калифорнии, Новой Мексики и Орегона физическом, политическом и этнографическом отношении», «Обозрение Амура в физико-географическом отношении» номли асарларида географиянинг шу вақттаги янги муоммолари курилди. Олим ўзининг географик нухтаи-назар шу регионни тадқиқотлар натиijasида тўпланган фактларга суянади ва географик яқунлар келтиради. Биринчи иши Шимолий Американинг ғарбий қирғоқлари ҳақида эди. Бу иш тарийхий географик характердаги улкашунослик сифатида ёзилган.

П. 1. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география илмнинг йуналишининг шаклланишида К.Риттер ва А.Гумбольднинг таъсири

П.П.Семенов-Тян-Шанскийнинг тарийхий-географик муоммоларига фикрлари К.Риттер ва А.Гумбольд таъсирлари асосан унинг шу буюк географлар билан учрашувидан сўнг бу фанга деган қизиқучанлиги янада ортти.

К.Риттернинг «Землеведение Азии» ва А.Гумбольднинг «Космос» номли илмий меҳнатларининг яқуни П.П.Семеновнинг ва яна бошқа кўплаган тоқиқли дунё географларининг хар дойм стол атрофида турадиган китобига ойланди ва бу китобларни таржима қила бошлади. У Грановскийга ёзган хатида

« Менинг учун босқача янги дунё очилди, таянч очилди, тарийхнинг котлами, философия асосини, утган йили Гумбольдтнинг Космос асарини таржима қила бошладим, таржима менинг учун билим, бу китап энг яхши юқорги даражадаги олам ҳақидаги билимга эга китап, таржимани урганиш учун яна мустахил ишляпман.

У А.Гумбольдтнинг «Космос» китабини одамзотнинг дунёни билиши, таниши деган эди. Худди шундай ўзи ҳам бу китобни ўрганиб билимини кенгайтириб борди. У Тянь-Шанга саёхат қилишинидан олдин К.Риттернинг «Землеведение Азии» меҳнатини таржима қилди ва ундан кўп нарсаларди ўрганиб олди. Бу китобнинг кириш сўзида «Илм бу одамзотнинг мангу ҳақийқатликка ўмтилиши, ҳақийқатликка бўлса эса узок йулар билан етасан» деган эди.

К.Риттернинг «Землеведение Азии» китобининг таржимаси ва уни русша босмага таёрланишида, уни рус географларининг орасида Азия бўйича энг олдинги мутахасис деб тан олинди. Риттернинг бу асарига «Қучимча» рус ва чет эллик олим ва саёхатчиларнинг меҳнатларидан фойдаланди.

К.Риттер асарига «Қучимча» уч томнан ибарат бўлиб, бунга Азияни тадқиқотлар бўйича янги материаллар ва географик ишлари киритилди. Биринчи томида Алтай – Саян тоғли улқасининг тарифлаш, кейинги икки томда рус тадқиқотларининг Байкал бўйи илмий-географик тадқиқотларининг яқунлари киритилди.

Ҳақийқатта да бу асарда рус олим-саёхатчиларининг экспедиция яқунларини ўрганиш асосида ёзилиб, уларнинг тадқиқотларнинг янги бетлари очилди.

Улар тарийхий-географик тадқиқотларнинг синтези бўлиб, унинг қул ёзмаларини И.Д.Черский таёрлаб бошлади, ва у Осиёни тадқиқот олиб боришда актив қатнашувчиси бўлди. Лекин тусатдан бўлган ўлим бу

ишнинг тўқтаб қолишига сабаб бўлди ва ишни П.П.Семеновнинг узи оқиригача олиб боришига туғри келди.

Бу ишда ёш геолог Г.Г.Петца ёрдам берди. Рус олимларининг бой адабиётларини яқунлаштириб, география бўйича ажойиб меҳнат ёратилди. «Новейшим исследованиям в Саянском нагорье между долиною р.Оки, юго-западной оконечностью озера Байкала и Большим Сибирским трактом» китабининг кириш сўзида П.П.Семенов рус олимларининг 60-йил давомида тадқиқот қилган география ишларини анализ қилип, бу меҳнатлар ҳар ерда, айримлари ҳали яқунланмай, ҳисобатларда берилган эди, булар К.Риттер асарининг босмадан чиқарув режасини кенгайтиди деган эди.

Шу билан бирга П.П.Семенов К.Риттернинг «Землеведение» асари бўйича география предметининг мазмуни ва асосий булган терминологиясини кўриб чиқти.

Унинг фикри бўйича бу термин география предмети бўйича талабга жабов бериб, узига ер танув кенг манода берилиб, дунё бўйича унда яшовчилар билан қўшилиб кўрилади.

П.П.Семенов Россия географларида академик назарий фикрлар масала бўлмади, улар РГЖ тўзилиш структурасига ва география предметиға қатнашишини яхшилаб олди. Бунга ер ҳақида ва инсон, унга тегишли барча масалалар киритилди. РГЖ географиянинг мазмунини аниқловчи тўрт бўлимдан, математик география, картаграфия, табиий география, этнография (халқлар географиясы), статистика ва сиёсий географиядан ибарат.

Бу предмет РГЖ тарийҳидаги энг асосий масалаларидан бўлип, РГЖ-50 йиллик фаолияти тарийҳига боғишланди.

П.П.Семенов географиянинг шу бўлимларининг ҳар бирининг вазибаларини кўриб чиқти. У айниқса бир-бириға боғлиқ ва бир-бириға таъсир етувчилик ходийсаларини кўрилиб чиқишни талап етти. Унинг фикри бўйича табиат билан боғлиқликда бўладиган инсонни ўрганиш, одам яшаш мухит, ер танув областидаги антропологияни киритиш керак деган эди.

Шундай қилиб Д.Н. Анучинда антропология мустахил фан бўлгани билан география билан ўз-ора боғлиқ деган эди. РГЖ куриладиган география илмининг ойланасида, кўплаган РГЖ ташкиллаштирувчи географ олимларнинг назарий фикрлари билан аниқланади. У фикрлар оригинал кайталанмайдиган аниқ бўлиб дунё география илмининг муваффақиятларига суянди.

Асосан назарий асосин аниқлаганда ва амалий ишларда А.Гумбольдт ва К.Риттер назарияларига суянди. П.П.Семеновқа К.Риттер дунё қарашлари жуда яқин эди. Шундай қилиб РГЖ барча диққатини ўз ватанини ўрганишга қаратти жамиятнинг асосий махсати- туғилган ерни ва одамларнинг тиричилик мухитини ўрганиш бўлди». П.П.Семенов РГЖ ревожланишининг асосини икки этапга бўлади. 1861 йилгача яъний Россияда крепосной ҳуқик бийкар этиламан дегангача давр ва бийкар этилгандан кейинги давр деб бўлади.

II.2. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география асарларида худидни ўрганишни даврларга бўлиш принциплари

РГЖ тарийхини обзорга қулай бўлгани учун хронологик жиҳатдан П.П.Семенов томандан беш даврга бўлинди. Ҳар даврда жамиятнинг административлик фаолияти айрим-айрим кўрилади, курамидаги хизматларидан ўзгариши, унинг ички турмуши, илмий ижодкорчилиги, жамиятнинг ва унинг бўлимларининг регионларни географик тадқиқотларининг бўлимлари бўйича бўлиниши ва ишлари ҳақида айтилади. Кейинги бобида РГЖнинг ҳар давр бўйича босмадан чиққан хизматларига обзор берилади.

Биринчи давр (1845-1850) Кириш сўзида жамиятнинг тарийхи берилган. Бу вақтда жамиятнинг оқирги устави ва уларнинг асосини солувчилар ва уларнинг фаолиятининг асосий томанлари аниқланган. Россияни географик ўрганиш бўйича дастдлабки қадамди Урал экспедицияси бошлаб берди. Бу экспедиция РГЖ нинг энг обройли

экспедициялардан бири бўлди. РГЖ асосини солувчилар буюк рус олимлари, тенгизчилар, мамлакат арбоби узларининг босламаси ва иччанлиги билан Россия ватанига хизмат кўрсатган инсонлар эди. Улардан К.И.Арсеньев, Ф.Ф.Берг, К.М.Бэр, Ф.П.Врангель, М.П.Вронченко, Г.П.Гельмероен, В.И.Даль, П.И.Кеппен, И.Ф.Крузенштерн, А.И.Левшин, Ф.П.Литке, М.Н.Муравьев, В.Ф.Одоевский, В.А.Перовский, П.И.Рикорд, В.Я.Струве ва П.А.Чихачевлар. Улар жамиятнинг ташкиллаштирилишида, унинг махсадини ва вазифаларини белгилаб олишда асосий ҳаракатландирувчи кушлари бўлди.

Екинчи давр (1850-1857), Семенов томанидан ажратилган бу даврда жамиятнинг ёш кучларнинг ғолабаси тарифланади. Бу вақтда жамиятнинг структураси ва меҳнатни бўлиштирилиши бўлимлари бўйича оқиргача бўлинди. Жамиятнинг Сибирь ва Кавказ регионал бўлимлари фойда бўлди. Жамиятнинг Сибирь бўйича экспедицияси давом етти. Экспедициядаги Амур ва Приморье бўйича рус олимларининг география илмининг пионерлари бўлди. Регионди ўрганиш бўйича маҳаллий хизматкорлар жалб қилинди.

Учинчи давр (1857-71) бу давр буюк реформалар даври деб номланади. Бу даврда РГЖ аҳамияти катта бўлиб реформаларни ишга очиринишда актив қатнашди. Жамиятнинг тадқиқот ишларида биринчи планда, туғилган ерди ўрганиш ва Россия мамлакатада яшовчи барча халқларни ўрганиш муҳим вазифалардан ҳисобланди. Россиянинг чекка регионларин ва чет элларни ўрганишга куч солинди. РГЖ диққати итисодий-географик муоммолар, янги темир йул қурлишига боғлиқ, «Ғарб улкани» этнографик ўрганиш турди.

Тўртинчи давр (1871-85) П.П.Семенов томанидан Н.М.Прежевальский экспедициясига боғишланган эди. Бу РГЖ томанидан тарбияланган ва олдинга сурилган иш билармон ғайбар, ақли саёҳатчига РГЖ томанидан тарбияланган ва олдинга сурилган ҳолатлар экспедициянинг ички Осиёнинг

катта қисмини эгаллашга шараоит туғилди. Бу даврни Семенов география тарийхида Тибетке параллель турда Осиё материгининг шимолий томанига карап, кенг ва ҳар томанлома ўрганилмаган эди деб ёзади. РГЖ узига катта аброй орттириб Россиянинг Европа бўлимини географик ўрганишни, мамлакатлик харбий ва хўжалик ташкилотларининг қатнашишида олиб боради. Бу халқ - ора географик программаларга қатнашган.

Бешинчи давр-(1885-95)- еллик йиллик тарийхида Н.М.Прежевальский томанидан бошланган Осиё материгининг ичкарасини географик текширувининг давоми кенг масштабда Марказий Осиёни географик тадқиқотлар билан давом этади. Бу вақтда РГЖ бўлимларида маҳаллий дарёлар ва кўлларни ўрганишлар кенгайиб боради.

П.П.Семенов «История полувековой деятельности имп.Русского географического общества,1845-95.» асарида ҳақиқатликни айтади. Бундай тарийхий тадқиқотларни ёзув ҳақидаги методик қоғида, бундай ишларни ёзувда коллектив эмас, ал бир автор ёзиш керак дейди. Бу якун РГЖ-25 йиллик тарийхини ёзувдаги тажрибада кўрсатди. «Бундай қабул қилинган ишнинг режаси, бўлимларнинг кўламининг ҳар хиллиги, якка ёзилган обзорга яки юбилейга боғишлаб ёзилган хабарномага ухшаб қолди.» деб ёзган эди.

П.П.Семенов бу асарни ёзишда фрагментарликни енгиб ўтип, босмадан чиқарилган ва архив материалларга суянган холда диққат билан тарийхий тадқиқотлар утказди. Бу ҳозирги тарийхий географларга ажойиб урناق бўлади. Бу асарнинг кириш бўлимида РГЖ фаолиятининг ярим асрлик тарийхига методик яндашув гина қолмасдан, келажакта ревожланиш йуналишларининг кележагини белгилап берди. У рус олимларининг янги авлодларига ишонди ва уларни келажакда урни бор тадқиқотчилар бўлиб етишади деб ишонч билдирди.

П.П.Семенов худидни тадқиқотларда даврларга бўлиш принципларин тарийхий-географик тадқиқотларида фойдаланди.

1830 йилдан 1894 йиллар оралигида Забайкалье области ва Иркутск губерниясини ўрганишда бир нечта даврларга бўлади. Биринчи (1830-1850) давр жамиятнинг ташкиллаштириш даврига тўғри келиб Байкал бўйича еткиликсиз географик материаллар, маълуматлар тўпланган эди. Бу даврдаги бир қанча аҳамиятли тадқиқотлардан Ботаник Турчинованинг бошқарган экспедициясини айтиб ўтамиз. Турчинованинг экспедиция яқунлари Москва табиат тадқиқотчилар бюллетенида босилиб чиқади. Регионнинг геологик дўзилиши тоғ инженерлари Ковригин, Козицкий ва Гофман тадқиқотлари натижасида ўрганилиб босмадан чиқади.

Иккинчи давр (1851-1868) РГЖ томанидан ташкиллаштирилган Байкал бўйи тадқиқотларнинг бу даврида Шарқий Сибирьнинг генерал-губернаторининг улкани ўрганишнинг янги кучларин тарқатишнинг ва РГЖнинг Иркутск ташкиллаштиришдаги фаолиятини кўрсатилиб ўтилади.

Шу дарга 1855-58 РГЖ томанидан ташкиллаштирилган экспедицияда киритилади. Экспедиция таркибига астроном Шварц, типограф Крыжин ва натуралист Радделер ишлади. Экспедиция қатнашувчиларининг меҳнатлари РГЖ босмадан чиқарган Шарқий Сибирьнинг картасини тузишда фойдаланилди. Рус тоғ инженерларининг хар хил географик ва геологик тадқиқотларин яқунлаганда катта қизиқувчанлик туғилди. Бу ишларда Агте ва Меглицкий, Мака, Кропоткин ва Поляковларнинг ишларини келтирсак булади. Еккинчи даврнинг ишлари картогарфик ва янги географик ишларни таклиф етти деган эди П.П.Семенов.

Учинчи даврнинг аҳамиятли ишларидан (1869-1884) Семеновнинг айтишича улкани географик билиш, РГЖ томанидан барча Сибирьдан Байкалгача невилировкалаш, кейин (1885-86) йиллари Тинич океангача давом эттди.

РГЖ нинг Сибирь бўлими ўлкани геологик, зоогеографик ва этнографик тадқиқотларни география илмининг бир қанча ёш олимлари олиб борди. Ўларнинг ишида геолог Чекановский, Черский, зоолог Дывовский ва Годлевскийлар бор. Учинчи даврнинг барча ишига юқори баҳо бериб Семенов шундай ёзади . «геологик ва умумий табиий географик билимлари улканинг анча олдига сўрилди».

Кейинги давр (1885-1894) улкани амалий тоمانдан ва ихтисодий ревожланишини ўрганиш билан ажралиб туради. Географик тоمانдан Саян тоғ тизмасининг Монголияга ўтувчи утқилга ташкиллаштирилган экспедиция бўлиб хисобланади.

Экспедиция полковник Бобыр бошчилигида бўлиб экспедицияга геолог Ячевский ва ботаник Прейн қатнашди. Бунга ёш олим-геолог В.А.Обручев қатнашди. Бу даврнинг энг катта ишларидан Шарқий Сибирьнинг генерал-губернаторининг Иркутск губерниясининг қишлоқ - хўжалик тоمانдан тузилган программа бўйича ўрганди. Экспедициянинг кенг турдаги хисобати шу даврнинг катта қиссаси ва меҳнати деди.

Шундай қилиб К.Риттернинг «Землеведение Азии» меҳнатига «Қучимша» туб тамирига Иркутск губерниясининг, Байкал кўли ва Забайкальенинг географик тўшинчасини ўзгартирди.

Шундай қилиб авторнинг кейинги олтмиш йиллик географик ходисаларни тарийхий географик ўрганишни улкага тўлиқ географик характеристика беришга шараоит туғдирди.

Унинг замановий географик фарқларини амалий муоммоларни ечишга кўлланилади. Тарийхий-географик тадқиқотларни замановий географик тадқиқотлар билан биргалашиб кетти.

Бу П.П.Семеновнинг иши, тарийхий география-бу география, маълум бир даврдаги география илмининг ревожланиш тарийхи деган фикрини яна бир маратоба қуллап кўватлади. Бу ишда география илмининг бази бир томанлари бўйича-ихлимшунослик, биогеография, орография,

тўпроқшунослик бўйича кейинги мувоффақиятлари очиб кўрсатилди ва боҳаланди. Ишнинг характерли томони факт ва ходисаларни образли ва тушинарли қилиб материалнинг тарийхий тақосланган анализи эди. Бу метод халигача тўлиқ баҳоланбади.

П.П.Семенов сооавторлари меҳнатлари оддий ёзилган худидларнинг географик тарифи, унинг методикаси ҳозирги худидий географиянинг ревожланиш даврларин урганганда тулиқ фойдаланса булади.Тарийхий географик тарифлашда фактологик томанлари, территориянинг табиий ҳолатга антропоген таъсирни ва кейинги юз йил ичидаги ўзгаришни тушинтиришда жуда яхши намуна бўла алади.

Ш.Боб. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география буйича илмий ишлари

Ш.1. П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг «Русс география жамиятининг ярим асрлик хизмати» асарининг ахамияти.

П.П.Семенов Тянь-Шанскийнинг тарийхий география буйича энг баҳоли меҳнатларидан «История полувековой деятельности имп. Русского географического Русского Географического общества» номли уч томли классик асарининг тарийхий асарларидан хисобланади.

Биринчи том- уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим География жамияти фаолиятининг ташкиллаштириш даври (1845-50). Россия императорининг қувватлаши билан ва Николай I боласи буюк князь райслигида Русс география жамиятининг дузилиши ҳақида маълуматлардан ибарат.

Бу вақтда жамиятнинг устави ишланиб чиқилди ва тасдийқланди, унинг турт бўлимининг структураси аниқланди –ўмумий география, Россия географияси, этнография ва статистика. Жамият фаолиятини ташкиллаштириш учун кенгаш дузилди.

Биринчи ташкиллаштириш йиллардан оқ, жамият бир қанша илмий экспедицияларни ташкиллаштири. Шулардан Урал умумий географик экспедиция, янада бир қатор ихтисослашган, картографик-геодезик, Россия халқини урганиш, статистика, жер мулки бўйича, ва ички савдони ўрганиш бўйинча экспедициялар ташкиллаштиришди.

Шу вақта рус олимлари ва саёхатчилари Осиё ичкарасига экспедиция ташкиллаштиришди. Тадқиқот ишлари якунида рус олимлари аниқ умумий географик, ҳамда махсус карталар дузилди. Шуларнинг ичида энг ахамиятлиси Россиянинг этнографик картаси.

География жамиятининг биринчи йилларидан бошлаб босма ишлари бошланиб. «Записки Географического общества», «Географические известия», ва «Карманная книжка для любителей землеведения» номли

босма ишлари олиб борилди. Этнографик музейга ва библиотекага бошлама солинди.

Екинчи давр- М.Н.Муравьев райслик қилган давр (1850-57).

Рус жамиятининг янги ёш кучлари активлашти. Бу даврда Русс олимлари бўлган географларнинг тарапдорлари М.Н Муравьевты сайлайди. Иркутскте ва Тибилисида РГЖ маҳаллий Сибирь ва Кавказ филиаллари очилди. Жамият томанидан географик тақиқотлар асосидан Сибирьда ва Россиянинг Европа бўлимида ва қушни мамлакатларда утказилди.

Сибирь экспедициясининг математика ва физика бўлимларида жуда аҳамиятли ишлар олиб борилди. Тадқиқотларга Сибирь бўлимининг олимлари актив қатнашди. РГЖ Осиёнинг генерал Атласининг асосини ҳамда К.Риттернинг Осиё асарини таржима қилди. Рус саёхатчилари Тянь-Шаньга кирип боради ва уни ургана бошлайди. Россиянинг Европа бўлимига чегера атласлари тузатила бошлади ва этнография, статистика ва тарийхий география бўйича ишлар тез ишлана бошлайди.

География билимини кенгдан тарғибот қилиш учун янги илмий босма ишлари бошланиб кетади. Улардан «Этнографический сборник», «Статистический сборник», Сибирь ва Кавказ бўлимларининг «Записки», РГЖ оператив журнали «Вестник РГО» чиқарила бошлади.

Учинчи давр - «граф. Ф.П.Литке раислик қилган даврдан 25 йиллик юбилейигача». Бу давр Россиянинг сиёсий ва итисодий қайта тикланишининг энг қизғин вақти эди. Жамиятнинг географик фаолияти кенгайга бошлади. Шунинг билан бирга Россиянинг ичкарасидаги ерларга, четки худидлар ва колонияга олинган мамлакатлар бўйлаб экспедиция тадқиқотлар кенгайиб борди.

Мамлакат томанидан Узоқ Шарқда қизиғувчиликнинг ортиши олимлар томанидан диққатни қаратилишига сабаб бўлди. Бу вақтда РГЖ Сибирь экспедициясининг катта иши кенгайиб боради. Усури ва Приморье дарё бассейинларида тадқиқот олиб борилди. РГЖ Сибирь бўлими Витим улкаси,

Забайкалье, Чукотка ва т.б. регион бўйича географик, тадқиқот ишларини тезлатади. Россия-Қитой чегера районларини чегаралаш ишлари бўйича иш олинип борилади.

Рус олимлари ва саёхатчилари Қитойда ва унинг провинцияларига кирип боради. Олим ва саёхатчилар томанидан Туркстон улкасини, Тянь-Шань ва Памирди ўрганиш бошланди. Шу бошланғич пионер экспедициялар Ўрта Осиёнинг халқин ва табиатини дунёга танитади.

Шуннан бошлаб Россиянинг бу улка билан ихтисодий ва сиёсий боғликлари кучайди. Орал-Каспий паст тегислигининг фойда бўлиши РГЖ олимларин кизиқтира бошлади ва уни картографик-географик тадқиқотлар бошланди. Россиянинг Европа бўлимин ва Кавказ геолого-географик тадқиқотларнинг кенгайиши бу кенг худидда топографик-орографик ишларнинг бошланиши билан бошланади.

Геодезия, нивелир ва координаталарнинг туғри аниқлануви Россиянинг Европа бўлимининг ва Кавказнинг тўлиқ ишланган картасини ишлаб чиқишга мумкинчилик тўғдирди. Жануб ва шимолий денгизларни тадқиқот ишлари ва иқлимни кузатиш ва умумийлаштириш бошланди. П.П.Семенов китобининг айрим бобларида этнография ва статистиканинг ревожланишига география жамиятининг аъзоларининг хизматларига тўқтаб ўтади.

Шу даврда Россиянинг Европа бўлимининг ғарбида этнографик курамини, рус халқининг аъналарини, босма славян ва кичик халқларнинг этнографиясини ўрганиш бошланади.

Россиянинг айрим губернияларида статистик тадқиқотлар кенг жойилиб кетади. Улар халқнинг сонин хисобга олиш, ерларни, ички савдодан ва ишлаб чиқариш кучларини умумий хисобга олиш бошланади. Бу тадқиқотлар П.П.Семенов босчилигидаги мамлакатта Марказий статистик комитетнинг Россиянинг хўжалик фаолиятининг ташкиллаштириши ва халқни хисобга олишда бу комитетнинг атқарув хизматлари очиб

